

﴿Хаж ойлари ва уларнинг фазилатлари﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Шайх Солиҳ Фавзон ал-Фавзон

Таржимон: *Абу Жаъфар ал-Бухорий*

Нашрга тайёрловчи: *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2013 - 1434

IslamHouse.com

﴿ أشهر الحج وفضائلها ﴾

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ صالح بن فوزان الفوزان

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشراشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Бизларни фазлу эҳтиром билан хослаган, бизга эзгулик ва инъомлар мавсумини бағишлаган, рамазон тугаши биланоқ Каъбатуллоҳга ҳаж қилиш ойларини давом эттирган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Мен ягона, рубубийяти, улуҳийяти, гўзал исмлари ва олий сифатларида шериги бўлмаган Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканига, Муҳаммаднинг эса намоз ўқиган, рўза тутган, Машъарул-Ҳаромда турган ва Каъбани энг яхши тавоф қилган Оллоҳнинг бандаси ва расули эканига гувоҳлик бераман. Оллоҳ Унга, Унинг оиласи ва олийжаноб саҳобларига кўплаб салавоту саломлар йўлласин.

Сўнг ...

Эй одамлар, сизлар учун буюк қонунларни жорий қилган, ҳар кун, ҳар ҳафта ва ҳар йил кетма-кет келадиган серҳосил мавсумларни хослаб қўйган Оллоҳдан тақво қилинглари ва Унга шукроналар келтиринглари! Ҳолбуки, у қонунлар сизлар учун барча яхшиликларни олиб келади ва барча ёмонликларни узоқлаштиради.

Масалан, намоз – ҳаёсизлик ва гуноҳлардан тўсади.

Оллоҳ зикрининг эса, улкан фойдалари бордир. Оллоҳ учун хушуъда бўлиш, Оллоҳнинг даргоҳида хокисорлик қилиш, Оллоҳга боғланиш ва унга юзланиш – буларнинг барчаси банданинг дин ва дунё юкларини кўтаришида кўмакчидир. Оллоҳ таоло айтди: **«Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (Мендан) мадад сўранглр! Албатта Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир».** (Бақара: 153).

Закот – эҳсон, фақир ва қийналганларга ҳамдардлик, рағбати бўлган одамларнинг Исломга киришига ёрдамчи, қулларни озод қилиш ва қарздорларга ёрдам бериш учун иона, нафс ва молнинг покланиши, хуллас, зарар эмас, ўлжадир. Оллоҳ таоло айтди: **«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб тозалайдиган садақа сифатида олинг ва уларнинг ҳақларига дуо қилинг. Албатта, сизнинг дуоингиз улар учун ором-осойишталик бўлади. Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир».** (Тавба: 103).

Закот – молни ўстириб, молга баракаларнинг ёғилишига ва ундан офатларни даф қилишга сабабдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Садақа молни камайтирмайди»*, – дедилар. Мўмин закотни ғанимат билади, Оллоҳнинг ваъдасига чин дилдан ишонади. Мунофиқ эса закотни қарз деб билади. Чунки у, Оллоҳга иймон келтирмайди ва Оллоҳнинг ваъдасига ишонмайди.

Рўза эса, шаҳватларни, нафс ўрганиб қолган севимли нарсаларни тарк этишдир. У, шу билан бирга, фазилатли ахлоқларга тарбиялаш ва разил хулқларни тарк этиш, демакдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: *«Биронтангиз рўзадор бўлса сўкинмасин ва шовқин-сурон солмасин! Биров уни сўкса ёки урушмоқчи бўлса: «Мен рўзадорман! Мен рўзадорман!» – десин»*. (Имом Бухорий ривояти).

Ҳаж – Оллоҳ йўлидаги жиҳод бўлиб, унинг учун моллар сарфланади, баданлар қийналади. Оллоҳнинг жарчисига ҳамда халили Иброҳим алайҳиссалату вассаломнинг тилидаги чақириғига лаббай деб, фарзандлар ва ватанларни

ташлаб келинади. Оллоҳ таоло Иброҳим алайҳис-солату вассаломга шундай деган: **«Ва одамлар орасида (юриб уларни) ҳажга чақиргин, улар сенга (яъни сенинг даъватингга жавобан) яёв ҳолларида ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-қолдан тойган туялар устида келадилар. Улар ўзлари учун бўлган (диний ва дунёвий) манфаатларга шоҳид бўлиш учун ва маълум кунларда (яъни Қурбон ҳайити кунларида Оллоҳ) уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (қурбонлик учун сўйиш) устида Оллоҳ номини зикр қилиш учун (келадилар). Бас, ундан ўзларингиз ҳам еяверинглар, бечора камбағалларга ҳам едиринглар. Сўнгра (қурбонлик қилганларидан кейин) улар кирларини кетказсинлар (яъни эҳромдан чиқиб, сочларини олдириб, тоза либосларини кийсинлар), назрларини (яъни зиммаларидаги ҳаж мажбуриятларини) тўла адо қилсинлар ва «Эски Уй»ни тавоф қилсинлар!»** (Ҳаж: 27-29).

Оллоҳнинг бандалари, биз ҳозир Оллоҳ таоло эҳром боғлаш ва ибодатларини қилишимиз учун мийқот қилиб қўйган ҳаж ойларидамиз. Оллоҳ таоло айтди: **«Ҳаж (мавсуми) маълум ойлардир.**

(Яъни Шаввол, Зулқаъда ва Зулҳижжа ойининг ўн кунни). **Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса** (ҳаж қилишни ният қилса), **ҳаж давомида** (жуфтига) **яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди. Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Оллоҳ билади. Ва** (ҳаж қилиш учун йўлга тушишдан аввал зарур озуқа билан) **таъминланиб олинг! Энг яхши озуқа** (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) **Оллоҳдан қўрқингиз. Мендан қўрқингиз, эй аҳли донишлар!»** (Бақара: 197).

Оллоҳ таоло ҳажнинг маълум ойлар: шаввол, зул-қаъда ва зул-ҳижжанинг ўн кунларида бўлишидан хабар бермоқда. Оллоҳ таоло: «маълум» – деди. Чунки одамлар бу ойларни Иброҳим ва Исмоил алайҳимассолату вассаломнинг давридан буён билар эдилар. Ҳажнинг вақти маълум бўлиб, рўза ва намоз вақтлари изоҳга муҳтож бўлганидек, тафсилотга муҳтож эмас.

Оллоҳ таоло: **«Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса** (ҳаж қилишни ният қилса)», – деди. Бунинг маъноси шудир: «Ким бу ойларнинг аввалида ёки ўртасида ёхуд охирида бўлсин, ҳаж

учун эҳром боғлаган бўлса, эҳром боғлаган ҳажи унга фарз бўлади. У бу фарзни, гарчи нафл ҳаж бўлса ҳам, ўз рукнлари билан адо этиши фарздир. Унга эҳром боғлаш, бу ҳажни, бу одам учун фарзга айлантиради. Бу одам у ҳажни қилишдан воз кечмаслиги керак».

«Ҳаж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди», оятида эҳромдаги одамнинг одоблари, унинг эҳромлик пайтида қилмаслиги керак бўлган нарсаларни баён қилинган. Яъни, «Сизлар эҳромни ҳаж билан улуғланглар ва уни булғайдиган ва савобларини камайтирадиган «рафас» – жинсий алоқа ва жинсий алоқанинг феълий ва қавлий бошланғичларидан, «фусуқ» – барча гуноҳлар, жумладан, эҳром таъқиқларидан ҳамда «жидол» – шовқин-сурон кўтаришдан сақланинглари! Чунки, жанжал ва тортишиш ёмонликларни келтириб чиқаради, адоватни кўзғайди ва Оллоҳнинг зикридан машғул қилади.

Ҳаждан мақсад эса, ҳажнинг мабрур – Оллоҳ ҳузурида мақбул бўлиши учун Оллоҳ, Оллоҳнинг Каъбаси ва муқаддас машъарлари (Мино ва

Муздалифа)ларда хокисорлик, Оллоҳ таолога тоат ибодаларни қилиш ҳамда гуноҳ ва ҳаром нарсалардан сақланиш, демакдир.

Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам: *«Мабрур ҳажнинг мукофоти – жаннатдир!»* – деган саҳиҳ ҳадислари бор.

Оллоҳ таолога яқинлашиш гуноҳларни тарк қилиш ва ибодатларни қилиш билан амалга ошади. Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳаж пайтида гуноҳларни қилишни таъқиқлагач, тоат-ибодатларни қилишга амр қилди: **«Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Оллоҳ билади»**. Бу, яхшиликларни, хусусан ҳаж, ҳаж айёмлари, ушбу муқаддас маконлар, Муздалифа ва Мино ҳамда Масжидул-Ҳаромда қилишга рағбатлантиришни ўз ичига олади. Бу макон ва замонларда қилинган ҳасанотлар савоби, Масжидул-Ҳаромда ўқилган битта намознинг бошқа масжидларда ўқилган намоздан кўра савоби юз минг марта кўп бўлганидек, қат-қат бўлади. Зотан, ҳожи учун бу макон ва замонда макон ва замон шарафи жам бўлади.

Оллоҳ таоло ҳаж асносида тақиқлаган «шовқин-сурон», жоҳилият пайтида ҳаж мавсумида ва Ҳарам ерларида бўлиб ўтган қабилалараро тортишувлар, мақтанчоқликлар, боболар ва қабилаларни мадҳ этиш эди. Улар ҳажни ибодатдан тортишув ва жанжалга, фазилатларни ўрганишдан жиноят ва гуноҳларни ўрганишга айлантирар эдилар. Шу кунларимизда ҳам жоҳилиятнинг ушбу сарқитини ва шайтоний туйғуларни жонлантirmoқчи бўлиб, ҳажни қичқириқлар, намойишлар, шиорлар, суратларни кўтариш, бутпарастлик, шовқин-сурон, бақириш, ҳожиларга озор бериш ва уларни қўрқитиш, Ҳарам ва эҳромнинг ҳурматига ҳурматсизлик қилишга айлантирмоқчи бўлган кимсалар бор. Ҳолбуки Оллоҳ таоло: **«Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса (ҳаж қилишни ният қилса), Ҳаж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди»**. (Бақара: 197) – демоқда. Ҳарам ҳақида эса: **«... ва кимки у жойда зулм-зўравонлик билан йўлдан чиқмоқчи бўлса (буларнинг ҳар бирига) аламли азобдан тотдириб қўямиз»**. (Ҳаж: 25).

Оллоҳим, ҳожиларингга озор берган, кулларингни қўрқитган, Уйингнинг ҳурматларини

тўккан, Ҳарамингда меҳмонларингга зулм тотдирганларга барча гуноҳкор мулҳид-золимларга ваъда қилган азобингни тотдир! Дарҳақиқат, Сен барча нарсага қодирсан. Сен – бизнинг Хожамизсан! Сен қандай яхши Хожа ва Ёрдамчисан! Оллоҳим, ҳой сижжил-тош аралаш лойдан қуритилган тошлар билан абобил қушларини фил эгаларига юборган ва уларни майдаланган сомондек парчалаб ташлаган Зот, фил эгаларининг қилмишларини такрорламоқчи бўлган барчага аламли азобингни тотдир! Сен бизга кифоясан ва Сен қандай яхши Вакилсан! Оллоҳим, омийн! Оллоҳим, омийн!

Мен бу сўзларни айтгач Оллоҳдан ўзимнинг, сизларнинг ва барча мусулмонларнинг гуноҳларини мағфират қилишини сўрайман.

Иккинчи хутба

Вақтларни ибодат мавсумлари қилиб қўйган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Мен ягона, рубубийяти, улуҳийяти, гўзал исмлари ва олий сифатларида шериги бўлмаган Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканига, Муҳаммаднинг эса яхшилик мавсумларини ўтиб кетмасидан ғанимат билишга рағбатлантирган Оллоҳнинг бандаси ва расули эканига гувоҳлик бераман. Оллоҳ Унга, Унинг оиласи ва яхшиликларни қилиб қолишга шошилган саҳобларига кўплаб салавоту саломлар йўлласин.

Сўнг ...

Ҳой одамлар, Оллоҳдан тақо қилинглар! Тайёрлаб қўйилган савобларга эришиш учун – савоблар тайёрдир! – Оллоҳ машруълаштириб қўйган ибодатларни қилиш билан вақтларингизнинг қадрига етинг! Оллоҳ таоло айтганидек, вақтларни зое қилгач, ўлимлари олдида афсус қилган одамлардан бири бўлманг: **«Токи қачон улардан** (яъни мушриклардан)

бирига ўлим келганида: «Роббим, мени (яна ҳаётга) қайтаринглар». (Мўминун: 99). Унга «Йўқ!» – дейилади. Яъни, ўлгандан сўнг дунёга қайтиш йўқ. Қилган орзуларинг пучга чиқди.

Ҳа, Оллоҳнинг бандалари, Оллоҳнинг фазли бошингиздан ёғилмоқда. Рўза ойи битди ҳамки, Байтуллоҳни ҳаж қилиш ойлари эшик қоқмоқда.

Рамазон ойининг рўзасини тутган ва (кечаларини ибодат билан) қоим қилган одамнинг ўтган гуноҳлари кечирилганидек, Каъбани қасд қилган, жинсий алоқага тааллуқли сўз ва ҳаракатларни қилмаган ҳамда гуноҳ ишлардан воз кечган одам гуноҳларидан онасининг қорнидан туғилган кундагидек пок бўлади.

Мўминнинг ўтказаётган умридаги ҳар бир соатида Оллоҳ учун ибодат вазифаси бордир. Шунинг учун ҳам банда, Оллоҳнинг тоат-ибодатидан бўш ўтказган ҳар бир вақтидан зиён кўради. Оллоҳнинг зикридан ғафлатда ўтказган ҳар бир соати эса, Қиёмат куни унга ҳасрат ва надомат бўлади. Оллоҳнинг тоат-ибодатини қилган бўлса унинг қабул бўлганининг аломати,

унга бошқа ибодатларни ҳам боғлашдир. Ибодатнинг қабул бўлмаганининг аломати эса, унинг кетидан оқибати зарар бўлган гуноҳ ишни қилишдир. Ёмонликдан кейин қилинган яхшилик, қандай яхши-я! Яхшиликнинг ортидан қилинган яхшилик, ундан ҳам яхши-я! Ҳасан (раҳимахуллоҳ): «Оллоҳ, Мўминнинг амали учун ўлимсиз ажал қилмади» – деб Оллоҳнинг ушбу оятини ўқиди: «... **то сизга аниқ-нарс**а (яъни, ўлим соати) **келгунича Роббингизга ибодат қилинг!**» (Ҳижр: 99).

Оллоҳ сизларга раҳматларини ёғдирсин, вақтларингизни ўзингизни қувонтирадиган нарсалар билан ўтказишга ҳаракат қилиб, зарар берадиган нарсаларда зое қилмангиз! Чунки сизларнинг энг яхшингиз умри узун ва амали чиройли бўлганингиздир!

Оллоҳнинг бандалари!

Оллоҳдан тақво қилингиз ва билингизки, сўзларнинг яхшироғи – Оллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшироғи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмонроғи

– (дин ниқоби остида) янги пайдо бўлганларидир. Жамоатдан айрилмангиз! Чунки Оллоҳнинг қўли жамоат узра бўлиб, ким жамоатдан ажралса жаҳаннамда ёлғиз қолади. Оллоҳ сизларга Ўзидан бошлаган амрни берганини унутманглар: «Оллоҳ ва фаришталари Пайғамбар (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавотлар айтадилар. Ҳой Мўминлар, сизлар ҳам Унга салавоту саломлар айтинглар!».

Оллоҳим, банданг ва расулинг бўлган Муҳаммадга салавоту саломлар айт! Унинг тўғри йўлдаги халифалари ва тўғри йўлдаги имомлар – Абу Бакр, Умар, Усмон, Алий ва барча саҳобалардан, тобиинлар, тобиинларнинг шогирдлари ва уларга Қиёмат кунигача издош бўлганлардан рози бўл!

Оллоҳим, Ислом ва мусулмонларни азиз, ширк ва мушрикларни хор қил!

Оллоҳим, Ислом душманларининг кулларини кўкка совур!

Оллоҳим, ё Роббал-олабийн, бу ва бошқа барча мусулмонларнинг диёрларини ўзинг осуда қил!

Оллоҳим, устимизга энг яхшиларимизни раҳбар қил! Ёмонларимизнинг шаррига ўзинг кифоя қил! Оллоҳим, етакчилигимизни Сендан кўрққан, Сендан тақво қилган ва Сенинг розилигингга эргашганларга бер! Оллоҳим, раҳбарларимизни Ўзинг ўнгла! Уларни адашмаган ва адаштирмаган ҳидоятдаги кишилардан қил! Оллоҳим, уларнинг ички дунёлари – сийратларини ислоҳ қил ва улардан ичи қора ва бузғунчи инсонларни узоқлаштир!

Оллоҳим, яҳудий ва масиҳийлар каби Ислом душманларини, бошқа кофир ва мушрикларни, уларга кўмакчи бўлган мунофиқ ва муртадларни хонавайрон қил!

Оллоҳим, уларнинг иттифоқларини буз, ўрталарига ихтилоф сол, мусулмонларга қарши тайёрлашган режаларини ўзларининг ҳалокатларига сабаб қил! Оллоҳим, уларни бир-бирларига қайра, ўзларини ўзлари билан овора

қил! Макру-ҳийлаларини эса ўзларининг кўксига қайтар! Дарҳақиқат, Сен барча нарсага қодирсан!

Роббимиз, биздан қабул эт! Дарҳақиқат, Сен Эшитувчи ва Билгувчисан!

Оллоҳим, Сен Оллоҳсан ва Сендан бошқа илоҳ йўқдир! Сен беҳожатсан, бизлар эса муҳтожмиз! Оллоҳим, Сен – Оллоҳсан ва Сендан бошқа илоҳ йўқдир! Сен беҳожатсан, бизлар эса муҳтожмиз! Оллоҳим, Сен Оллоҳсан ва Сендан бошқа илоҳ йўқдир! Сен беҳожатсан, бизлар эса муҳтожмиз! Оллоҳим, бизга ёмғир ёғдир ва бизларни ноумид қайтарма! Оллоҳим, бизни суғор ва ёмғир ёғдир! Оллоҳим, бизни суғор ва ёмғир ёғдир! Оллоҳим, бизни суғор ва ёмғир ёғдир!

Оллоҳим, биз Сендан азоб, ғарқ қилиш, хонавайрон қилиш ва бало сувларини эмас, раҳмат сувларини сўраймиз!

Оллоҳим, биз ҳам махлуқларингдан бирисимиз. Бизни гуноҳларимиз сабабли марҳаматингдан маҳрум айлама! Оллоҳим, бандаларинг, шаҳарларинг ва ҳайвонларингни суғор!

Раҳматингни ёй! Ўлик диёрингни тирилтир!
Ёғдирган нарсаларингни бизлар учун
яхшиликларга сабаб ва бир муддатгача етарли
қил!

Роббимиз, биздан (дуолариизни) қабул эт!
Дарҳақиқат, Сен – Эшитгувчи ва Билгувчи Зотсан!

Оллоҳ, одиллик, эҳсон қилиш ва
қариндошларга (яхшилик қилишни) буюрар ва
ҳаёсиз нарсалар, гуноҳ ва зулм қилишни
таъқиқлар. Кошки эсларсизлар дея Оллоҳ сизга
насиҳат қилар. Оллоҳга берган аҳдларингизга
вафо қилингиз! Таъкидлагандан кейин
қасамларингизни бузмангиз! Ахир Оллоҳни
ўзингизга кафил қилдингиз! Албатта, Оллоҳ
қилган ишларингизни билади. Оллоҳни эсланглар,
Оллоҳ ҳам сизларни эслайди. Унинг берган
неъматларига шукр қилингиз, неъматларини
сероб қилади. Оллоҳнинг зикри буюк (иш
эканида) ҳеч шубҳа йўқдир. Оллоҳ сизлар
қилаётган ишларни билиб туради.